



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 23 август, № 170 (8793)

Жума Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Озарбайжон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев рафиқаси билан бирга 22 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев рафиқаси билан бирга 22 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Тошкент шаҳри халқаро аэропортида уларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилиб, фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон — икки қардош халқ ўртасидаги маданий алоқалар ҳамма даврларда ҳам жуда илқ бўлган. Бу муносабатларнинг илдизи теранлиги ҳақида ўйлар экансиз, халқимизнинг бир доно гапи ёдга тушади. “Дўстликнинг эскиси, турфа синовлардан оғишмай ўтгани яхши”, дейди ёши улугларимиз.

Бугун тарихий бирдамлик ва қардошлик муносабатлари янада ривожланиб, янги даражага кўтарилди. Бунга кейинги йилларда икки давлат етакчиларининг ҳамфикрликлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада жонлантириб юборди. Бу алоқалар эса ўртадаги ҳамкорлик ҳамда стратегик шериклини ривожлантириб, белгиланган марраларга тезроқ эришишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Озарбайжон Республикаси Президенти Тошкент шаҳрига келгач Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳамроҳлигида Ҳайдар Алиев ёдгорлиги мажмуасига борди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган мазкур мажмуа Озарбайжон Президентининг 2022 йил июнь ойидаги мамлакатимизга ташрифи чоғида очилган эди.

Олий мартабали меҳмон ёдгорлик пойига гул қўйиб, атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси Ҳайдар Алиев хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғидаги

Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуа билан қисқача танишув асносида Озарбайжон Республикаси делегацияси вакилларига мазкур ансамбль мазмуни ва меъморий ечимлари ҳақида маълумот берилди.

“Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументи истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган.

Уч минг йилдан зиёд давр — она Ватанимиз худудидagi миллий давлатчилик тарихи илдизлари шу қадар теран. Монументга эътибор қаратган киши мана шу залварли ўтмишнинг бадиий ифодасига гувоҳ бўлади.

Олий мартабали меҳмонлар, расмий хорижий делегацияларнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида бу ердаги монументга гул қўйиш аъёнага айланган.

Делегация аъзолари мажмуада акс эттирилган алломалар, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, жадид боболаримизнинг сиймоларига алоҳида эътибор қаратди.

Ташрифининг асосий тадбирлари 23 август куни бўлиб ўтади.

Ташриф дастурига мувофиқ Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари раислигида олий даражадаги музокаралар ва Давлатлараро олий кенгашининг биринчи мажлиси ўтказилиши режалаштирилган.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Президентлар икки мамлакат бизнеси вакиллари билан учрашув ўтказиши, қатор ишбилармонлик ва маданий тадбирларда иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.

З. ЖОНИБЕКОВ, И. АВВАЛБЕКОВ, ЎЗА мухбирлари.

БОКУ ВА ТОШКЕНТ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ ЎРНАТИЛГАН

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг 22 август куни Ўзбекистонга бошланган ташрифи арафасида ушбу мамлакатнинг етакчи «Trend» халқаро ахборот агентлиги «Озарбайжон ва Ўзбекистон икки томонлама алоқаларни мустаҳкамламоқда — янги иқтисодий имкониятлар» сарлавҳали мақолани тарқатди.



ДУНЁ НИГОҲИ

“Сўнгги йилларда Озарбайжон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар нафақат дўстона ва яхши қўшничилик, балки чинакам стратегик муносабатларга айланди, — деб таъкидланган нашрда. — Глобал ўзгаришлар Озарбайжон ва унинг Каспий денгизи орқали ўтган қўшилариининг турли соҳаларда ҳамкорликда фаоллашишига олиб келди. Бу шунчаки стратегик шериклик эмас, балки қитъа аҳамиятига эга реал иқтисодий лойиҳалар билан қўллаб-қувватланади”.

Мақола муаллифи Ўзбекистонни бунга энг яхши мисол сифатида қайд этган. Расмий Боку ва Тошкент ўртасида аллақачон мустаҳкам стратегик шериклик мавжуд, икки томонлама ҳамкорликнинг ҳар бир жиҳати уларнинг муносабатлари доирасида муҳим аҳамиятга эга. Икки давлат ўртасидаги мунтазам олий даражадаги учрашувлар ўзаро алоқалар чуқурлигини таъкидлайди.

Нашрда, шунингдек, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги яқин иқтисодий ҳамкорликнинг асосий жиҳатларига алоҳида ургу берилган.



Ўзбекистон — Озарбайжон:

ЎЗАРО ТОВАР АЙИРБОШЛАШДА ИЖОБИЙ САЛЬДОГА ЭГА

Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон ўртасидаги савдо ва инвестициявий ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Маълумотларга кўра 2016 — 2023 йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 11 баравар ўсган. Шу жумладан:

- экспорт 8,2 баравар, 133,4 миллион долларга;
- импорт 19,8 қарра ошиб, 102,8 миллион долларга етди.
- Ўзбекистоннинг Озарбайжон билан савдосида эркин савдо режими ўрнатилган ва ўзаро товар айирбошлашда ижобий сальдога эга.
- 2024 йил 1 август ҳолатига кўра Ўзбекистонда Озарбайжон капитални яширишда 239 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан 3,4 баравар ошган.

Манба: Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИДИР

Қатарнинг “Power International Holding” компанияси бош директори ўринбосари Морис ГАТТАС Ўзбекистон Мустақиллиги куни арафасида “Дунё” АА учун интервью берди ва унда мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.



Интервью

— Ўтган бир неча йил ичида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг қатор тармоқлари, хусусан, пул-кредит сиёсатини либераллаштириш, рақобатни ривожлантириш, хусусан секторни қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг глобал миқёсдаги ижобий ишбилармонлик имижини янада юксалтириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш учун шарт-шароитларни яхшилаш йўли билан янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган муҳим ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон бугун ўз тараққиётининг муҳим босқичида. Мамлакатингиз эришаётган аниқ ижобий натижалар бунга яқин тасдиқлайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари, чуқур ўйланган ва оқилона сиёсати туфайли эришилган юксак муваффақиятларни доимий кузатиб бораёяман.

Мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида улкан ўзгаришлар рўй бераётганини, Ўзбекистон ўз тараққиётининг муҳим босқичида. Мамлакатингиз эришаётган аниқ ижобий натижалар бунга яқин тасдиқлайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари, чуқур ўйланган ва оқилона сиёсати туфайли эришилган юксак муваффақиятларни доимий кузатиб бораёяман.

қиётининг янги босқичига ишонч билан қадам қўётганини кўриб турибмиз. Ўтказилган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ мамлакат янги ички маҳсулоти тарихда илк бор 101,6 миллиард АҚШ долларидан ошди. Турғиндўғри хорижий инвестиция оқимининг ортиб бораётгани Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкор ва хорижий компаниялар учун жозибадор манзилга айланганидан далолат беради.

Мамлакат тоза энергиянинг янги манбаларига инвестиция қилишда давом этмоқда ҳамда иқлим ўзгаришининг асоратларини юмшатиш учун энергия ва сув самардорлигини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўймоқда.

Ўзбекистон жаҳон сиёсатининг марказларидан бирига айланиб бораётгани ва бу халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётганини ургулаш даркор. Сўнгги йилларда мамлакатингизда ШХТ, ТДТ ва ИХТ саммитлари, ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманлар ўтказилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи юксалаётганидан далолат беради.

Мутахассис сифатида ишонч билан айти оламанки, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларнинг давом этиши янги марралар ва галабаларни қўлга киритишга хизмат қилади.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



ЭЪТИБОР Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан маданият ва санъат ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада қатор Фармон ҳамда қарорларнинг қабул қилиниши мазкур йўналишдаги ишларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.



Нукусда маданият ва санъат муассасаларига Президент совғаларини топширишга бағишланган тантанали тадбирда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Аманбай Оринбаев бу ҳақда алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоизки, маданият ва санъатимизни ривожлантириш, соҳадаги долзарб муаммоларга ечим топиш давлатимиз раҳбарининг эътиборидаги масалалардан бири. Шу боис деярли ҳар бир учрашувда бу хусусда алоҳида тўхталиб ўтади. Зотан, маданият

«Халқ сўзи».

Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги олдидан ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ

МАРДЛИК, ФИДОЙИЛИК, ВАТАНПАРВАРЛИК МАКТАБИ

Инсоният тамаддунининг бешиги бўлган муқаддас Ватанимиз айни кунларда янги даврга қадам қўйиб, жаҳонда янги Ўзбекистон номи билан қайта буй кўрсатмоқда. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мард ва олийжаноб халқимиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда янги марраларни кўзлаб, янгидан-янги ютуқларга эришмоқда. Ўзининг муқаддас қасамёдига ҳамisha содиқ қолиб, хизмат бурчини шараф билан адо этаётган баҳодир ўғлонларимиз ҳам улуг аждодлар аъёнларини давом эттирган ҳолда халқимиз орзу-умидларини рўёбга чиқариш, Ўзбекистон мустақиллиги ва элимиз тинчлигини ҳимоя қилиш йўлида собитқадам бўлиб келмоқда.



Қуролли Кучларимизни ривожлантириш — устувор йўналиш

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган қуролли тўқнашувларни таҳлил этган ҳолда

қўшинларни тайёрлашнинг энг мақбул йўналишлари ва мазмуни белгиланиб, Қуролли Кучларнинг тезкор бошқарувини ташкил қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқи-

либ, амалиётга татбиқ этиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Фармони билан қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида юртимиз муҳофаа салохиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривож-

лантириш устувор йўналишлардан бири этиб белгилангани инобатга олиниб, энг мураккаб шaroитларда қўшинларни жанговар ҳаракатларга самарали ва қисқа муддатларда тайёрлашнинг янги шакл ҳамда услублари устида фундаментал ишлар олиб борилаётир.



Янги Ўзбекистон Армияси

МАРДЛИК, ФИДОЙИЛИК, ВАТАНПАРВАРЛИК МАКТАБИ



Ривожланган давлатлар армияларининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва замонавий қуролли тўқнашувлар таҳлиладан келиб чиқиб, янги тактик ҳаракатларни қўшинларга татбиқ этиш мақсадида охириги уч йил мобайнида 35 дан ортиқ концептуал характерга эга ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлигини янада тақомиллаштириш учун қўлланиб келинмоқда.

Хусусан, доимий шайликдаги бригадаларнинг жанговар ва максус тайёргарлик машғулотлари 2 500 соатдан оширилиб, уларнинг 70 фоизи амалий тарзда ўтказилмоқда, тунда ўтказиладиган бундай машғулотлар ҳажми 50 фоизга етказилди.

Қўшинлардаги мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Мудофаа вазирлигида беш йил олдин фақат 2 та ўқув маркази фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 19 тага етказилди. Жорий йилда ушбу марказларда бўлган АКШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Қозғоғистон ва Озарбайжон давлатларининг ҳарбий мутахассислари амалга оширилган ишларни юксак баҳолаб, мазкур марказларда ўзларининг мутахассислари билан биргаликда тажриба алмашиш бўйича таклифлар билдирди.

Халқ ва армия — бир тану бир жон

Бугунги халқро муносабатларда мамлакатнинг ривожланиши ҳамда тараққиёти ўрнатилган тинчлик ва осойишталикка боғлиқ бўлиб қолмоқда. Қайсики давлатда нотинчлик, оммавий тартибсизликлар, қуролли моjarолар, ҳарбий тўқнашувлар юз берадиган бўлса, шу давлатда иқтисодий, саноат, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш ва таълим каби тармоқлар сезиларли даражада заифлашади. Шу боис ҳар бир давлатнинг ҳаёти ва ҳаётига таъминланадиган Қуролли Кучларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Қуролли Кучлар Олий Бosh Қўмондон ташаббуслари ва кўрсатмалари билан кейинги йилларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ва салоҳияти тубдан ўзгарди. Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатининг ҳаётига ва барқарорлигини, сарҳадларини дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, ҳаракатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланган.

Миллий армиямиз ҳар қандай ҳафс-хатарларга муносиб жавоб қайтара оладиган мустақкам қудратга эга бўлдики, бу, аввало, тинчликсевар халқимизнинг юксак матонати,

ватанпарвар ўғлонларимизнинг бирлиги, ҳарбий хизматчиларимизнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокида яққол кўринади. Минглаб ёшлар кўз ўнгиде қўшинларнинг жанговар салоҳияти, ҳарбий қудрати, замонавий техника, қурол-яроғлардан юқори савияда фойдалана олиш кўникмалари намоён этилиши натижасида эртамеиз эгалари қалбиде қатъий ишонч, сўнмас шижоат, гурур ва ифтихор туйғулари жўш урмоқда. "Халқ ва армия — бир тану бир жон"га айланди.

Муваффақиятлар ва эътирофлар

Олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида Мудофаа вазирлиги жамоалари халқро муносабатларда юқори натижаларга эришиб, дунёнинг етакчи армиялари ўртасида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Бу ҳақда гап кетганда, "АрМИ" халқро ўйинларидаги мунтазам иштирокини келтириб ўтиш жоиз. Жумладан, 2022 йил мазкур халқро ўйинларининг 5 та йўналиши бўйича муносабалар бизнинг давлатимиз ҳудудида ўтказилди. Мусобақанинг 21 йўналишида қатнашган жамоаларимиз 6 та халқро рекорднинг ўрнатган ҳолда 7 та олтин, 10 та кумуш, 5 та бронза медалга сазовор бўлишди ва умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгаллашди.



Хосон ПАЙДОЕВ олпон суратлар.

2023 йил давомида ҳам ҳарбий хизматчиларимиз халқро муносабатларда муваффақиятли иштирок этишди. Халқро турнирларда 117 та олтин, 46 та кумуш ва 70 та бронза, жами 233 та медалга сазовор бўлди. Хусусан, АКШнинг Миссисипи штатида бўлиб ўтган "Энг илғор жангчи" мусобақасида ҳарбий хизматчиларимиз юқори касбий маҳоратларини намоёиш қилиб, фахрли биринчи ўринни забт этди.

Шунингдек, 2024 йилнинг 19 — 29 февраль кунлари Покистон Ислому Республикасида ўтказилган VII халқро "Жамоа руҳи" мусобақасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоаси 97 фоиз

натижа билан голибликни қўлга киритди.

Жорий йил 20 — 31 май кунлари Туркия Республикасида бўлиб ўтган "Энг илғор мерган жамоа — 2023" мусобақасида 11 давлатнинг 36 та жамоаси орасида ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар фахрли 1-ўринни қўлга киритиш билан бирга бир неча шартда 5 мартаба рекорд натижаларни ҳам қайд этди.

Шу маънода, дунёга машҳур "Global Firepower Index — 2023" журналида миллий армиямиз Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, дунё армиялари орасида эса 54-ўринда эътироф этилгани бежиз эмас. Бугунги кунда қўшинларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлигини ошириш борасида қатор етакчи давлатлар армиялари билан ҳамкорликда тренинглари ва ўқувлар ўтказилмоқда. Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни кенгайтириш ва мустақкамлаш мунтазам давлатлари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Қисқа вақт давомида хорижий шериклар билан 1 200 дан ортиқ тадбирлар амалга оширилди.

Салоҳиятли кадрлар тайёрлаш муҳим масала

Янги армиямизнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини кескин оширишга қаратилган ислохотлар ижросида кадрлар сиёсати-

ни юритишни замон талаблари даражасига кўтариш масаласи бугунги куннинг устувор йўналишлардан бирига айланган. Яқингача офицерлар таркибининг кадрлар захирасини шакллантириш, уларни лавозимларга босқичма-босқич тайёрлаб бориш ва малакасини ошириш ҳамда ҳарбий таълим муносабаларида муносиб номзодларни ўқитишда бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжуд эди. Кейинги йилларда узлуксиз ҳарбий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Қуролли Кучлар Академияси ҳарбий илм-фан соҳаси локомотивига айланган. Олий ҳарбий таълим

муносабаларида янгида ёндашуви ва ўқув услублари жорий этилди.

Кадрлар захирасига киритилган раҳбарлик лавозимидаги офицерларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш нафақат олий ҳарбий таълим муносабаларида, балки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқару академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академия каби нуфузли олий таълим муносабаларида ҳам олиб борилаётган. Шу тариқа уларнинг халқро муносабат, халқро ҳуқуқ, дипломатик этикет ва дипломатик протокол йўналишларида ҳам билимлари оширилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя олга ундайди

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини янада тақомиллаштиришга қаратилган давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 3 августдаги қарорига кўра контракт бўйича ҳарбий хизматчилар учун қатор имтиёзлар жорий этилди.

Президентимизнинг тегишли Фармони асосан ташкил этилган Ҳарбий-маъмурий секторлар томонидан 2018 — 2023 йилларда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги жами 600 дан ортиқ объектларда капитал қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2017 — 2023 йиллар давомида 9 525 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жой билан таъминланди.

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий тиббиёти янги замонавий босқичга олиб чиқиш, ҳарбий-тиббий муносабалари янгидан барпо этиш, уларни жаҳон стандартларига мос равишда тиббий аппаратлар билан жиҳозлаш каби муҳим вазифалар бажарилди.

Жумладан, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали ҳудудида юқори технологияларга асосланган тиббий аппаратлар билан жиҳозланган ультразамонавий даволаш-диагностика биноси фойдаланишга топширилди. Ҳарбий госпиталлар фаолиятига 12 йўналишда 73 турдаги юқори технологияли ҳарбий клиник госпитали ҳудудида юқори технологияларга асосланган тиббий аппаратлар билан жиҳозланган ультразамонавий даволаш-диагностика биноси фойдаланишга топширилди. Ҳарбий госпиталлар фаолиятига 12 йўналишда 73 турдаги юқори технологияли ҳарбий клиник госпитали ҳудудида юқори технологияларга асосланган тиббий аппаратлар билан жиҳозланган ультразамонавий даволаш-диагностика биноси фойдаланишга топширилди.

Барча йўналишда фидойиларча хизмат қилаётган Қуролли Кучлар хизматчилари юксак билим ва тажрибаси, эришган муваффақиятларига кўра "Жанговар фаолияти учун", "Махсус операциялар кучлари", "Малакали устоз", "Мудофаа вазирлиги аълочилиси", "Еш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун" каби кўрақ нишонлари билан тақдирланмоқда. Буюк аждодларимизнинг издоси бўлган аёл ҳарбий хизматчиларга эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 ноябрдаги қарорига биноан таъсис қилинган "Тумарис" кўрақ нишони тақдим этилди.

Қўтбаддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва ҳаётияти масалалари
қўмитаси раиси.

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

Хабарингиз бор, 20 август кунин Қорақалпоғистон Республикаси Президентимизнинг мамлакатимиз тадбиркорлари ва ишбилармонлари билан навбатдаги очик мулоқоти бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу тарихий учрашувда илгари сурилган аниқ таклиф ва амалий ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

ЎзЛиДеП



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Шаҳноза Холмаҳаматова мазкур учрашув ва давлатимиз раҳбарининг тарихий нуқти бўйича ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирди. Унинг фикрича, ушбу мулоқот тадбиркорлар учун янада кенг имтиёзлар берилишига замин яратди.

"Ушбу самимий учрашувни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатдим. Сабаби кўтарилган масалалар, илгари сурилган амалий ташаббуслар барчамизга бевосита дахлдор. Нега деганда, тадбиркорларнинг муаммолари ечим топса, уларга ишлаш учун яхши шартот, қулайлик, имтиёз яратиб берилса, улар янада ривожланади, юртимиз тараққий этади. Бу, ўз навбатида, энг аввало, аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, иш ўринлари яратиш, юртимизнинг иқтисодий қудрати янада юксалишига хизмат қилади", деди Ш. Холмаҳаматова.

«Миллий тикланиш» ДП



Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида "Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кенг муҳокамага сабаб бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг асосий принциплари, атроф табиий муҳитга шовқин орқали зарарли таъсир кўрсатганлик учун компенсация тўловлари, аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат органларининг вазифалари белгиланган бўлиб қўйилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳада фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дами олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақтлар оралиғи белгиланиб, бундай ҳаракатларнинг қатъий рўйхати тасдиқланмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Уктам Исмолов қонун лойиҳасидаги айрим моддаларнинг мазмун-моҳияти асосидан ўз фикрларини билдирди. Жумладан, депутат қонун лойиҳасининг биринчи моддасидан "қисқа муддатли" деган сўзни олиб ташлашни таклиф қилди.

«Адолат» СДП



Қонунчилик палатасининг "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама маркази бўлди.

Фракция аъзоси Ойдин Абдуллаева қонун жуда долзарблиги, аҳоли учун манфаатли эканини таъкидлаш билан бирга туғилган кунларини ҳамда айрим саналарни нишонлайдиганлар учун қонунда баъзи нормалар ақс этгани билан қизиқди.

"Барчамизга маълумки, кўп ҳолатларда кечаси 24:00 дан кейин туғилган кунларини бандан овозда турли мусиқа ва салютлар орқали нишонлайдиган юртдошларимиз бор. Агар мазкур қонун лойиҳаси имзоланиб қўлга кирса, уларга нисбатан чоралар кўрилади. Шу боис халқ вакили сифатида қонун лойиҳаси қабул қилинганидан сўнг тарғибот ишларини олиб боришимиз керак. Чунки мазкур ҳолатлар учун жавобгарлик янада кучаяётганини ҳар бир фуқаро билиши лозим", деди депутат О. Абдуллаева.

ЎзХДП



Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ниҳоятда қизгин кечди.

Халқчил гоғларини илгари суриб келаётган фракция аъзолари бу масала бўйича партия позициясини билдириб ўтишди. Хусусан, депутат Шарофиддин Назаров қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталди.

"Узоқ ҳудудларда яшовчи фуқароларимиз, асосан, қорвақил билан шугулланиди. Деярли барча хонадонларда кўп сонли қорва моллари, уй ҳайвонлари бор. Бу эса қорва эгаларининг ҳар бир ҳайвонга алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг ҳаммасини электрон базага киритишини талаб қилади. Қарабиски, уларнинг вақти расмийлаштиришга кетиб қолади. Бундан ташқари, кўпчилик ёши улғун инсонлар электрон ҳужжатлар билан ишлашни ҳали унча яхши билимайди. Бу эса орада айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Умуман олганда, қонун лойиҳасининг концепциясига қарши эмасман, лекин лойиҳани янада тақомиллаштириш зарур", деди Ш. Назаров.

Ўзбекистон Экологик партияси



19-20 август кунлари Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. Ташриф давомида давлатимиз раҳбари қатор ижтимоий соҳа объектлари билан танишди, ҳудуддаги маҳалла-ларга бориб, аҳолининг яшаш шартотларини кўздан кечириди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Лейли Сейтова мазкур таширфининг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

"Давлатимиз раҳбари Кеғейли туманидаги Жўзимбағ маҳалласида бўлиб, ҳудуддаги ўзгаришларни бориб кўргани ва шу ерда деҳқончилик қилаётган ёшлар билан сўхбатлашгани уларнинг ҳаётида тарихий кўн бўлиб қолди, десак, мунолага бўлмайди. Президентимиз билан учрашувда улар сўнги йилларда яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб ер олиб, деҳқончилик билан шугулланаётгани ва яхши даромад топаётганини фахр билан қайд этдилар. Халқ вакили сифатида айтишим мумкин, мазкур учрашувлар, берилаётган имкониятлар, имтиёзлар қорақалпоқ халқининг ҳар томонлама ривожланишига замин яратди", деди депутат Л. Сейтова.

МУРОЖААТ ОРТИДА ТАҚДИР МУЖАССАМ

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда инсоннинг қадри, манфаатлари эътибор марказида бўлиб, халқимиз фаровонлиги ва муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш давлатимизнинг бош мақсадига айланган. Энг муҳими, ижтимоий-иқтисодий ўсиш ва ўзгаришлар ҳар бир юртдошимиз турмуш тарзида ўз ифодасини топапти.

Мушоҳада



Бу жараёнлар барчамизга қувонч бағишлаш билан бир қаторда, биз, парламент аъзолари зиммасига ўлган масъулият ҳам юклайди. Бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан бири — халқимизнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини вақтида ва самарали ҳал этиш, яхши даражада ва сифатини яхшилашдан иборат. Бунинг учун фуқаролар билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг муаммоларини аниқлаш, муурожаатларнинг қонуний ва сифатли қўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган тизим амалда тўла ўзини оқламоқда.

Мазкур талаб Сенат ва сенаторлар фаолиятини янада фаоллаштириди. Мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати ва халқчил ислохотлар жараёни шуни тақозо этмоқда. Чунки сайловчилар ўз вакилларидан аниқ натижаларни кутади. Шу боис сенаторлар, депутатлар ўзлари сайланган ҳудуд аҳолиси билан доимий равишда очик мулоқот қилиши, муаммоларни аниқлаб ҳал этиши муҳим.

Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар натижасида халқимизнинг ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи йилдан-йилга фаровонлашиб бормоқда. Ва бу ислохотлар, халқпарварлик сиёсатининг самараси энг чекка ҳудудларгача кириб борди. Халқнинг меҳнат қилиши, фаровон яшashi учун барча шартот яратиб берилди. Аммо бу жараёнда жойларда йиллар давомида йиғи-

лан таъминланган. Бу ҳудудлар саноати ривожланган ва замонавий инфраструктурага эга. Томди туманида ҳам кейинги йилларда инвестициявий лойиҳалар амалга оширилгани, бунинг ҳисобида қонлар ишга туширилгани, темир йўл тортилгани ҳудуд ривожига катта туртки бераётган. Маҳаллий аҳоли, ёшлар ишли бўлмоқда, оилаларнинг даромади, фаровонлиги ошмоқда.

Лекин шундай бўлса-да, аҳолини қийнаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Халқ билан очик мулоқотларда, учрашувларда бунга гувоҳ бўляпмиз. Одамлар қайсидир муаммадан қийналяптими, демак, уларга ечим топиш, амалий ёрдам кўрсатишга масъулият ва мажбурият сифатида қаралмоқда.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтсак. Кейинги йилларда Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида ижтимоий аҳамиятга эга ўлкан ишлар қилинди. Чунки бу — Қизилқум кенгликлариде, қишининг изғиринию ёзнинг жазирамасида кечаю кундуз матонат билан меҳнат қилаётган аҳоли учун жуда муҳим эди. Уларнинг ишдан кейин оиласи билан мароқли дам олиши учун Учқудуқ шаҳрида "Олтинқўл" дам олиш мажмуаси, мусиқали фаввора, Зарафшон шаҳрида фавворалар сайлғули барпо этилди. Бугунги кунда улар аҳолининг сеvimли масканларидан бирига айланган.

Зарафшонда аҳоли билан учрашувда фуқароларимиздан мазкур чекка ҳудудда реабилитация масканни йўқлиги, одамлар имконияти чекланган фарзандларини даволатишда қийналаётгани боис шаҳарда шундай марказ ташкил этиш зарурилиги бўйича таклиф келиб тушди. Негаки, улар фарзандларини ҳар ҳафта Навоий шаҳридаги реабилитация марказига олиб бориб келишаркан. Томди тумани, Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарлари вилоят марказидан 200 — 300 км. олисда жойлашгани эъти-

борга олинса, муаммонинг жиддийлиги аёнлашади.

Бу борадаги муурожаат қўллаб-қувватланиб Зарафшон шаҳрида Навоий кон-металлургия комбинати қурувчилари томонидан замонавий типда имконияти чекланган болажонлар учун 72 ўринли "Умид" мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. Барча қулайликка эга муносабасининг очилиш маросимида ушбу ҳудудда яшовчи инсонлар давлатимиздан қанчалик миннатдор бўлгани ҳозир ҳам кўз ўнгимизда. Асосийси, бу кутилганидан зиёда самара бериб, ҳеч қандай вақт ўтмасдан 30 нафар болажон соғлом ҳаётга қайтгани ушбу гамхўрликнинг ёрқин натижасидир. Энг муҳими, бу қанчадан-қанча оилага қувонч бахш этди. Бундай мисолларни яна қўлаб келтириш мумкин.

Ёки Президентимиз топшириги асосида Қизилтепа туманида Халқро шахмат мактаби бунёд этилгани ҳам ана шундай хайрли ташаббуслар сирасига қиради. "Тўдақўл" дам олиш базасида барпо этилган ва 7,5 гектарда жойлашган ушбу замонавий спорт маскани халқро талаб ва стандартларга тўла жавоб беради. Юз ўринга мўлжалланган бу маскан замонавий моддий-техника базасига эга, зарур спорт анжомлари билан жиҳозланган.

Бу ерда ёш спортчиларнинг яшashi ва маҳоратини ошириши учун ўқув биноси, ётоқхона, турнин заллари, конференцзал, кутубхона, ошхона, ўқув ва компьютер синфлари, 150 ўринли амфитеатр,

Шу даврга қадар амалга оширилган ишлар, бу — кичик марра бўлиб, ҳали олдимизда бажарилмиши зарур бўлган масалалар кўп. Ва уларни босқичма-босқич рўёбга чиқариш асосий вазифамиздир. Шу боис халқимиз манфаати, ҳаёт тарзини ўзгариштириш йўлида аниқ натижалар билан фақат олдинга қараб илдамлашда давом этаверамиз. Бу — бизнинг қундалик ишимиз, таъбир жоиз бўлса, бурчимиз бўлиб қолади.

мусиқали фаввора ва бошқа қўшимча қулайликлар яратилди. Бу ерда бемалол шахмат бўйича республика ва халқро турнирлар, ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш мумкин.

Халқро даражадаги шахматчиларни тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, спорт тадбирлари ўтказиш, хорижий шахмат мактаблари билан тажриба алмашишга мўлжалланган бу маскандан келгусида янги Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир чемпионлар етишиб чиқишига ишонамиз.

Халқ вакиллари фаолиятини самарали олиб боришда унга келиб тушган ёзма муурожаатларни қўриб чиқиш, ҳозирги ҳаётдаги яратилиш мақсадида доимий қабуллар ва сайёр қабулларни ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳар йили бу борада алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиб, уни амалга ошириб келяпмиз. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида жисмоний ва юридик шахслардан тушган 128 та ёзма муурожаат қўриб чиқилди, 109 нафар фуқаро қабули амалга оширилди. Ҳар бирининг ижроси алоҳида назоратга олинган.

Хусусан, Томди иختисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиларининг меҳнат фаолияти даврида ишлаган йиллари учун қўшимча устама белгилаш бўйича қилган муурожаати юзасидан Навоий вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси, Зарафшон шаҳар ва Томди туман ҳокимликларига қўриб чиқиш учун сенатор муурожаати юборилди.

Шу даврга қадар амалга оширилган ишлар, бу — кичик марра бўлиб, ҳали олдимизда бажарилмиши зарур бўлган масалалар кўп. Ва уларни босқичма-босқич рўёбга чиқариш асосий вазифамиздир. Шу боис халқимиз манфаати, ҳаёт тарзини ўзгариштириш йўлида аниқ натижалар билан фақат олдинга қараб илдамлашда давом этаверамиз. Бу — бизнинг қундалик ишимиз, таъбир жоиз бўлса, бурчимиз бўлиб қолади.

Қувондиқ САНАҚУЛОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Сайлов жараёнлари иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни рақамлаштириш, сайловлар бўйича маълумотларнинг электрон базасини шакллантириш мақсадида «E-SAYLOV» ахборот тизими ишлаб чиқилди.

АДАБИЁТ ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Пойтахтимизда Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ бoш кoтиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзоси Султон Раевнинг “Танланган асарлар” китоби тақдимоти ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, китобхонлар, туркий давлатлар ижодкорлари қатнашди.

Тақдимот

Иштирокчилар дастлаб Султон Раевнинг ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган фотоқўрама билан танишди.

Тадбирда мохир ижодкорнинг ҳаёти, серкирра фаолияти, туркий давлатлар ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари бағишланган фильм намойиш этилди.


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С. Сайид, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов ва бошқалар Султон Раевнинг тил ҳамда услуби ўзига хос, содда, айна пайтда теран мазмун-моҳиятга эгалиги, жўшқин фаолияти ибратли эканини таъкидлади.

Атоқли қирғиз адаби китобининг ўзбек тилига ўғрилиб, юртимизда тақдимот қилиниши кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очиклик, тенглик, қўшни республикалар билан дўстлик алоқаларини ривожланти-

риш, Марказий Осиёда тақдирларнинг ягоналиги, умумий макон руҳиятини яратишга қаратилган кенг кўламли сиёсати самарасидир, десак, айна ҳақиқат.

— Мамлакатимизда кейинги йилларда “Адабий дўстлик — абадий дўстлик” деган гоя юксак макомга кўтарилди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Сайид. — Жумладан, Низомий Ганжавий, Махтумқули Фироғий, Чингиз Айтматов ва бошқа кўпбал туркий халқлар ижодкорларининг асарларини тарғиб этиш, уларнинг таваллуҳ саналарини нишонлашга катта аҳамият қаратилмоқда. ТУРКСОЙ билан ҳамкорликмиш изчил кенгайиб бораётир. Бу борадаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Султон Раев, чин маънода, ўзбек халқининг ҳам ёзувчиси саналади. Унинг ўзбек тилида чоп этилган “Танланган асарлар” китоби адабиётимиз хазинасидан мустаҳкам ўрин олади.

Дарҳақиқат, Султон Раев бугун асарлари, фаолияти билан туркий халқларнинг қадим булоқлардан сув



инган азалий томирларини адабиёт, маданият воситасида янада мустаҳкамлашдек буюк миссияни бажармоқда. Адабнинг китоби ўзбек тилида чоп этилиши ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик алоқаларни бугун янги босқичга кўтарилганининг яна бир ифодасидир.

Китобга таниқли ўзбек ёзувчиси Хайриiddин Султон сўзбоши ёзган. “Довруғи Олатогдан ошган адиб” сарлавҳали ушбу биткида Султон Раев шахси, унинг ижодий олами, серкирра истеъдоди, ибратли ҳаёт йўли, қизгин фаолияти аниқ мисоллар, ҳаётини қузатишлар асосида очиб берилган. Адиб — буюк ёзувчи Чингиз Айтматовнинг шоғирди, издоши сифатида баҳоланган. Муаллиф “...ноёб инсоний туйғуларни баланд пардаларда тарабунан этакдан, Ер юзини, одамзод калбини маънавий тўфон ва таназзуллардан асрашга, азалий қадриятларни қатъият билан ҳимоя этишга хизмат қиладиган ушбу китобни

юксак дидли ўзбек китобхонларига тақдим этиш шарафига муяссар” бўлганидан мамнуллигини яширмаган.

Китобдаги роман, ҳикоя, қисса, ва саҳна асарларини ўқиган киши борки, адабнинг ўзига хос услуби, ширали тили, теран фалсафий-бадиий тафаккури, ижодий қадриятлари бошқа ҳеч қандай ўчирмаслигига амин бўлади.

Сўзбошида урғу берилганидек, Султон Раевнинг доврўғи Олатогдан баланд чўққиларидан аллақачон ошиб кетган. Унинг ғоявий-бадиий жиҳатдан етук ўнлаб китоблари инглиз, француз, рус, венгер, хитой, украин, турк, қозоқ, озарбайжон, татар ва бошқа тилларга ўғрилгани, дунёнинг турли мамлакатларида нашр қилингангани айна эътирофнинг ҳаётини исботидир.

— Қирғиз юртида ўзбеклар орасида улгайганман, — дейди Султон Раев. — Халқларимизнинг томирла-

ри туташ. Орзу-мақсадлари муштарак. Қадимдан яхшию ёмон кунини елкадош бўлиб ўтказган халқларимиз бугун ҳам ахил-инок, дўст ва ҳамкор бўлиб ҳаёт кечирмоқда. Албатта, ҳамжиҳатликдаги бугунги ютуқларимизда Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарларининг хизматлари беқийс. Бугун Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан оламшумул ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон эришаётган ютуқлар бу мамлакатда кечаётган улкан янгиланиш жараёнларининг амалий натижаси. Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари билан бўйлашмоқда. Буюк соҳибқирон Амир Темур даврида бу диёр қанчалик шон-шавкатга бурканган бўлса, ҳозир ҳам Ўзбекистон шунчалик юксакка интилмоқда. Буларнинг замирида Президент Шавкат Мирзиёевнинг адабиёт, маънавият, маърифатга бўлган эътибори турибди. Китобим Алишер Навоий тилида чоп этилганидан чексиз қувонч ва ифтихор туйқомдаман. Зотан, инча санъат орамиздаги дўстлик ришталари, қалбларимизни янада мустаҳкам боғлайди.

Тақдимот сўнггида таниқли адиб адабиёт ихлосмандларига дастхат қўйилган китобларини ҳадя қилди. Адабий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган бир гуруҳ адабиёт фидойилари тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриiddин Султонов иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ
 («Халқ сўзи».)

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

ОМБУДСМАНГА МАХСУС МАЪРУЗА ТАҚДИМ ЭТИШ ВАКОЛАТИ БЕРИЛАДИ

Аввал хабар берганимиздек, Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.



Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг экспертлик гуруҳи аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марка ҳамда Парламент тадқиқотлари институтининг масъул ходимлари иштирок этган навбатдаги ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳаси модда-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида қўмитага қўйилган палата қўмиталари, инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият олиб бораётган бир қатор фуқаролик жамаияти институтлари томонидан лойиҳани янада тақомиллаштиришга қаратилган 60 га яқин таклифлар келиб тушган.

Қонун лойиҳаси билан Омбудсманнинг Олий Мажлис палаталарига ҳисобот бериш институти бекор қилинмоқда. Янги махсус маъруза институти қўриб келмоқда. Бунда, Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлис палаталарига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва

бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маъруза тақдим этишга ҳақли экани белгилаб қўйилмоқда. Махсус маъруза инсоннинг бузилган ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича хулоса ёки таклифлардан иборат бўлади.

Йиғилишда депутатлар махсус маъруза тақдим этилган субъектлар томонидан унинг кўриб чиқилиши ва муддатлари қафолатларини белгилаб қўйиш таклифини илгари суришди ва маъсул қўмитага ушбу нормани тақомиллаштириш вазифаси юклатилди.

Яқунда маъсул қўмитага лойиҳадаги моддалар ва улардаги нормаларни бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш, юридик техник жиҳатдан кўриб чиқиш, айрим моддаларни янада тақомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Лойиҳани тақомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ТЎЛОВЛАРИГА ОИД ОРТИҚЧА ЮКЛАМА ОЛИБ ТАШЛанаДИ

Айна пайтда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисига иккинчи ўқишга киритиш учун тайёрланмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида давлат ижтимоий суғуртаси тизими ва давлат ижтимоий суғуртаси тўловларини тўлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш нормалар белгилаб қўйилмоқда.

Биринчидан, инсон ҳаёти ва фаолияти давомида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида (ўзи ёки фарзанди касал бўлганида, қисқа даволанишда, туғруқ даврида) ёки ишсиз қолганида уни ижтимоий қўллаб-қувватлаш назарда тутилган.

Янги тахрирдаги Конституцияда хар қим меҳнат қобилиятини йўқотганида ҳамда ишсизлигида ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга экани белгиланган. Шунга асосан юқоридаги норма билан ижтимоий фаол

аҳолининг (18 дан 60 ёшгача) камбағал оилалар тоифасига тушиб қолишининг олди олинди.

Иккинчидан, тадбиркорларнинг ижтимоий таъминот тўловларига оид ортиқча юкламадан озод этилиши кўзда тутилмоқда.

Маъзур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фаолият туридан қатъи назар, ишлаётган ходимларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомилдорлик, туғиш ҳамда ишдан бўшатиш нафақалари тўлиқ тўлинишига, ижтимоий фаол аҳолининг камбағал оилалар тоифасига тушиб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Маъсул қўмитада қонун лойиҳасини тақомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЯРАТИЛАДИ

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда қонун лойиҳаси атрафида кўриб чиқиш, уни биринчи ўқишда ялли мажлисда муҳокама қилиш жараёнида депутатлар томонидан берилган қатор таклифлар чуқур таҳлил этилди. Ушбу қонун лойиҳасида инвесторларнинг қафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари белги-ланмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда янада қулай инвесторларни жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, амалдаги инвестиция қонунчилигининг илгор халқаро стандартлар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мослаштиришга қаратилган нормалар ҳам акс этмоқда.

Маъзур қонун лойиҳаси тез орада Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига иккинчи ўқишга муҳокама қилиш учун киритилади.

Қонун лойиҳаси билан ишчи қабул қилишда иш берувчилар томонидан талаб этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш, янги қабул қилинган қонунлар ва қонун-ности ҳужжатлари ўртасида узаро мувофиқлини таъминлаш, шунингдек, Меҳнат кодексини мамлакатимиз Конституциясига мувофиқлашти-

риш ва амалиётда юзага кел-ляётган айрим тушунмовчи-ликларни бартараф этиш на-зарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси айна вақт-да маъсул қўмита томонидан сиёсий партиялар фракция-лари йиғилишлари кун тарти-би-га муҳокамадан ўтказиш учун киритишга тайёрланмоқда.

Ўзбекистон — Озарбайжон: УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг юртимизга давлат таъриф олдидан Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомраказ” миллий кўргазмалар мажмуасида икки давлат ишбилармонлари иштирокида бизнес-форум ўтказилди.

Бизнес-форум

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов икки давлат раҳбарларининг оқилона сиёсати тўғрисида ҳамкорлик стратегия хусусият касб этиб, сифат жиҳатдан янги босқичга чиққанини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик юқори суратларда ривожланиётгани айтилди. Товар айланмаси охириги беш йилда 3 баробар, 2024 йил боши-

дан буён эса яна 20 фоиз кўпайди. Давлат раҳбарлари томонидан кўйилган вазифа эса яқин келажакда махсулот айирбошлаш миқдорини 1 миллиард долларга етказишга қаратилган.

Иқтисодиётнинг энг устувор тармоқлари — энергетика ва шаҳарсозлик, машинасозлик, тўқимачилик, ипакчилик ва қишлоқ хўжалигида икки давлат ўртасидаги сарможий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда “Pasha Holding”, “Matanat”, “Sarda Group” ва “Sokar” каби Озарбайжоннинг йирик компаниялари фаолият юритаётган бўлса, Ўзбекистоннинг “Global Textile”, “Azsilik” ва “Businesstex” корхоналари Озарбайжон худудларида ишляпти.

Инвестициявий ҳамкорлиқни ҳаракатлантирувчи куч — Қўшма инвестиция компанияси эътироф этилди.

Озарбайжон Республикаси иқтисодиёт вазири Михайл Жаббаров юртимизда яратилган сарможий муҳит, тадбиркорликни хар томонлама ривожлантириш йўлидаги имкониятларини юксак баҳолади. Узоқ муддатли ҳамкорликка ишонч билдириб, ўз мамлакатини бизнес вакиллариини Ўзбекистонга инвестиция киритишга чақирди.

«Халқ сўзи».

БОКУ ВА ТОШКЕНТ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ ЎРНАТИЛГАН

Айлишича, 2023 йилда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида 500 миллион долларлик инвестиция жамғармасини ташкил этиш бўйича икки томонлама битим имзоланган эди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бокуга ташрифи чоғида хар икки томон жамғарма капиталини оширишга келишиб олган эди.

“Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов жорий йилда икки давлат қўшма онлайн тижорат платформасини яратишни режалаштираётганини маълум қилди. Ушбу платформа хар икки давлат бизнесига савдо операцияларини осонлаштириш ва қўшма инвестиция лойиҳаларини бошлаш имконини беради. Ушбу онлайн платформани ишга тушириш орқали Озарбайжон ва Ўзбекистон тадбиркорларга муносиб шериклар топиш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик йўлида янги имкониятлар яратиш учун қимматли воситани тақдим этишни мақсад қилган”, деб таъкидлаган ахборот агентлиги муҳбири.

Бундан ташқари, мақолада июль ойида Озарбайжон — Ўзбекистон ҳукуматлараро комиссиясининг 13-йиғилишида озар — ўзбек ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича яқини баённома, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил август ойида Бокуга ташрифи чоғида “Озарбайжон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Олий давлатлараро кенгашни ташкил этиш тўғрисида”ги шартнома имзолангани маълум қилинган.

Материалда икки мамлакатнинг етакчи энергетика корпорациялари — “SOCAR” ва “Ўзбекнефтегаз” ўзаро ҳамкорлигини янги

босқичга кўтариш учун фаол иш олиб бораётгани ҳақида ҳам хабар қилинган. 2023 йилда улар газ савдосига ихтисослаштирилган қўшма корхонани муваффақиятли ташкил этди. Шунингдек, “Ўзбекнефтгаз”нинг Озарбайжонда газ қазиб олиш лойиҳалари-нида иштирок этиши бўйича музокаралар яқини босқичда.

“Албатта, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик аънаваний энергетика ресурсларидан ҳам ошиб кетади. Муқобил энергияга ўтиш муҳимлигини англаган ҳолда, Боку ва Тошкент ўз энергия тизимларига “яшил” технологияларни интеграциялаш бўйича фаол ишламоқда, — дея давом этади муаллиф. — Озарбайжон, Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида “яшил” энергияни узатиш бўйича уч томонлама келишув яқинда эришилган энг муҳим ютуқлардан биридир”.

Ассий транспорт йўналишларида жойлашган Озарбайжон ва Ўзбекистон бу борада фаол ҳамкорлик қилмоқда, деб таъкидланади нашрда.

Мақола якунида “Озарбайжон ва унинг яқин ҳамкори Ўзбекистон ўртасидаги жорий ва келгуси қўшма ташаббуслар янги транспорт лойиҳаларини амалга ошириш, энергетика лойиҳаларини ривожлантириш ва умуман, инфраструктуранинг яхшилашга қаратилган. Ушбу савдо-ҳаракатларда минтақани барча манфаатдор томонларга фойда келтирадиган ўзаро ҳамкорлик марказига айлантириш мақсоди муҳимдир. Шунингдек, ушбу лойиҳалар худудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва истиқболли дастурларни яратиш учун янги имкониятлар очади”, деб ёзилади “Trend”да.

«Дунё» АА.
Боку

ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ, СОҒЛОМ РАҚОБАТ БИЛАН ЮКСАЛАДИ

Президентимизнинг 20 август куни тадбиркорлар билан ўтказган навбатдаги очик мулоқотида ютуқлар эътироф этилгани ҳолда муаммолар ҳам ўртага ташланиб, уларнинг ечимини бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилди. Бу эса ишбилармонлар, бизнес вакиллари томонидан кўтаринки руҳда, қизгин кутиб олинди.

Акс садо

Биламизки, илгари кредит, бозор топиш, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, тинимсиз “текшир-текшир”лар сабабини кўплаб янги тадбиркорлар фаолияти дастлабки йилнинг ўзидаёқ тўхтаб қоларди. Мамлакатда бизнес вакилларига бўлган эътиборнинг ўзгаргани натижасида бугунга келиб, уч йилдан ортик ишлаётган корхоналар улуси 76 фоизни ташкил этиб, илк бор 300 мингтага етган.

Эътиборлиси, бугунги кунда

100 нафардан ортик ишчилари бор корхоналар 3 мингта яқинлашиб, улардаги иш ўрни бир йилда 440 мингта кўпайди. Хусусий секторда 5 миллион сўмдан кўп маош оладиган ишчилар 1 миллиондан ошди. Шундан 370 мингта 10 миллион сўмдан зиёд ойлик олади. Бу тадбиркорлар “соьдан чиқиб”, қонуний фаолият, соғлом рақобат йўлига ўтаётганидан долалат.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик хар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг самарали фаолият юритиши учун яратилаётган шароитлар натижасида бугун Ўзбе-



кистон нафақат маҳаллий корхоналар, балки чет эл компаниялари учун ҳам катта бозорга, минтақадаги саноат ҳабага айланиб улгурди.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиб, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий қафолатларни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар амалий натижаларда бўй кўрсатмоқда. Буни мамлакатимиз ялли ички махсулоти илк бор 100 миллиард доллардан ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аҳамиятлиси, тарихий учрашувда бизнес муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган 5 та йўналиш белгилаб берилди. Мажвуд муаммолар ечимини, натижалари бўйича амалий таклиф ва ташаббуслар тинланди.

Таъкидлаш керакки, ер ва инфратузилма билан боғлиқ айрим масалалар борки, бу тадбиркорлар ўз фаолиятини янада кенгайтиришга ҳалал берапти. Очик мулоқот доирасида келиб тушган 2 мингта мурожаат ҳам айнан шу масала билан боғлиқ. Чунки янги инвестиция лойиҳаларида ер сотиб олиш харажатлари кескин ошпапти.

Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, энди тадбиркор аукциондан ер сотиб ол-

МАШАҚҚАТЛИ ВА ШАРАФЛИ ЙЎЛ

Яқинда Самарқанд ва Жиззах вилоятларида мустақиллигимизнинг 33 йиллигига бағишлаб "Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!" шiori остида ўтказилган фестивалларда иштирок этдик. Олим, шоиру ёзувчи ва санъаткорлардан ташкил топган тарғибот гуруҳи сафида туман, маҳалла, хонадон, корхона ва ташкилотларда бўлиб, ишчи-хизматчи, турли соҳа мутахассислари, фермер ва тадбиркорлар, ёшлар, айниқса, кекса онахону отахонлар билан гурунгаримиз самимий кечди.



Мустақиллик — тақдиримизда

Болалиги Иккинчи жаҳон уруши даврида, фронт ортидаги оғир меҳнат билан ўтган, кейинчалик уруш асоратларини тугатиш машаққатларига чидаган, ўз эътиқодини ошқор қилолмай яшириниб намоз ўқиган, рўза тутган, қайта қуриш ниқоби остида юртимиз бойликларини талон-торож этган собиқ иттифок қарчалорларимиз "десантчилар" зулмини тортган қайонилар бугунги шукҳули онларнинг асоси бўлган озодликни ўзгача қадрлайди. "Уч авлод" учрашувларида истиқлол пойдеворини тиклаб, ёш мустақил давлат қаддини мустаҳкам тутиб, дунё мамлакатлари орасида тенглар янча тенг бўлишига ўз меҳнати билан ҳисса қўшган ва бугунга келиб кексалик гаштини сураётган бу табаруру инсонлар "мустақилликнинг йўли оғир ва шарафли" деганларидега беихтиёр ўйланиб қолдим.

ва мулоҳазалар борлигини сўраган. Ҳамма мум тишлагандек жим ўтириб, "Ўттириб юрак ютиб: "Ижод қилишимиз учун яратилган шарт-шароитлардан нолимаймиз. Аммо бошқа бир масала биз, ёш актёрларни қийнаб келаяпти. Масалан, ўзимдан қиёс, ўйим бор, лекин бир ровнинг номида. Машинам бор, у, ҳам бир танишимнинг номига расмийлаштирилган. Фарзандларимнинг мактабга қатнаши ҳам осон кечмаяпти. Чунки Тошкентда доимий "прописка"миз йўқ. Ўз уйимда ўзимни бегонадек ҳис этаман. Гўёки эрта ё индин қиллоғимга бадал қилиб юборишадигандек кунгим нотинч..." дейди. Шунда Бош вазир театр директориға юзланибди ва қанча "пропискисиз ёш кадрлар" борлигини сўрайди.

Энг ачинарлиси, Бош вазир назоратида туриб ҳам номлари тақдим қилинган 20 нафар актёрнинг пойтахтта доимий рўйхатга олиниши сансалорликка солинади. Юбилей тантаналари вақтида топшириқ ўлда-жўлда бажарилганидан воқиф бўлган Бош вазир қатъият билан ижро тўлиқ адо этилишини талаб қилади. Натижада йигирма нафар ёш оиланинг орзу-армонлари ушалеб, нафақат уларнинг эғалик ҳуқуқи тикланган хонадонларида, балки ота-оналари, оға-ини, опа-сингиллари яшаётган шаҳар, қишлоқ, овулларда ҳам тўй бўлиб кетади. Жигарлари ватанли бўлгани қавму қариндошларни ҳам шунчалик сунтиради.

Назар солсам, даврада ўтирган ёш йигит-қизларнинг юз-қўзида ҳайрат ифодаси: "Прописка" қилишга шунча ваҳимами? Ана Давлат хизматлари марказига бор, дарров масала ҳал!

Бугунги ёшлар учун бу муаммо ана шунча осон ҳал этилмоқда. Ҳозир ҳам ёшларимиз учун четга чиқиш ҳам, хорижда бирор қариндоши яшаётгани учун давлат идорасига ишга жойлашиш ҳам муаммо тудирмайди. Улар мустақилликнинг шарафли йўлидан олға боришмоқда!

Учрашувларда юраги уйғоқ инсонлар мавзуси ўлароқ "Менга

Ватан нима берди деб эмас, мен унга нима бердим, нима беряман?" деб яшаш, шунга монанд қилишимиз учун яратилган шарт-шароитлардан нолимаймиз. Аммо бошқа бир масала биз, ёш актёрларни қийнаб келаяпти. Масалан, ўзимдан қиёс, ўйим бор, лекин бир ровнинг номида. Машинам бор, у, ҳам бир танишимнинг номига расмийлаштирилган. Фарзандларимнинг мактабга қатнаши ҳам осон кечмаяпти. Чунки Тошкентда доимий "прописка"миз йўқ. Ўз уйимда ўзимни бегонадек ҳис этаман. Гўёки эрта ё индин қиллоғимга бадал қилиб юборишадигандек кунгим нотинч..." дейди. Шунда Бош вазир театр директориға юзланибди ва қанча "пропискисиз ёш кадрлар" борлигини сўрайди.

Энг ачинарлиси, Бош вазир назоратида туриб ҳам номлари тақдим қилинган 20 нафар актёрнинг пойтахтта доимий рўйхатга олиниши сансалорликка солинади. Юбилей тантаналари вақтида топшириқ ўлда-жўлда бажарилганидан воқиф бўлган Бош вазир қатъият билан ижро тўлиқ адо этилишини талаб қилади. Натижада йигирма нафар ёш оиланинг орзу-армонлари ушалеб, нафақат уларнинг эғалик ҳуқуқи тикланган хонадонларида, балки ота-оналари, оға-ини, опа-сингиллари яшаётган шаҳар, қишлоқ, овулларда ҳам тўй бўлиб кетади. Жигарлари ватанли бўлгани қавму қариндошларни ҳам шунчалик сунтиради.

Назар солсам, даврада ўтирган ёш йигит-қизларнинг юз-қўзида ҳайрат ифодаси: "Прописка" қилишга шунча ваҳимами? Ана Давлат хизматлари марказига бор, дарров масала ҳал!

Бугунги ёшлар учун бу муаммо ана шунча осон ҳал этилмоқда. Ҳозир ҳам ёшларимиз учун четга чиқиш ҳам, хорижда бирор қариндоши яшаётгани учун давлат идорасига ишга жойлашиш ҳам муаммо тудирмайди. Улар мустақилликнинг шарафли йўлидан олға боришмоқда!

Учрашувларда юраги уйғоқ инсонлар мавзуси ўлароқ "Менга

Инсон онгу тафаккури ҳар хил майда-чўйда ўй-хаёллардан, нафс кутқусидан озод бўлмас экан, кўксига чинакам истиқлол шамоли текмайди. Айниқса, бугунги қалқиб турган дунёда ҳар бир юртдошимиз Ватан мустақиллиги бизлар учун ер ости, ер усти бойликларимиздан-да азиз, бебаҳо гавҳар эканини англаб, уни кўз қорачиғидаги асраб-авайлашлари шарт. Одамларимиз "Бирлашсак — Ватанмиз!" деб юртимизни ҳар доимидан кўра кўпроқ севиши, унинг равнақиға яқдиллик билан ҳисса қўшиши, қадриятларимизни ҳамжихатликда асраши, бу йўлда маърифат аловиани балан қўтариши зарур. Бугун ҳар доимидан-да уйғоқ қалб билан атрофға назар солиб, Ватан истиқболини шахсий манфаатлардан устун қўйсакки, жадид боболаримиз орзу қилган озод ва обод келажаққа, бинобарин, учинчи Уйғониш пойдеворига бир тош қўйган бўламиз.

Сирожиiddин РАУФ,
"Шарқ юлдузи" ва "Завезда Востока"
журналилари бош муҳаррири.

Ҳар бир инсон фаровон ҳаёт кечиришни, ўзи ишлаётган жамоада обрў-эътибор топишни, орзу-мақсадларини рўйбга чиқаришни истайди. Бунга эса ўзининг ҳалол меҳнати орқали эришади, албатта. Инсон ҳаётида меҳнат асосий ўрин тутгани каби мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, фуқароларнинг тўкин-сочин, фароғатда яшати меҳнат муносабатларининг барқарорлиги билан боғлиқ. Янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эғалиги белгилаб қўйилган.

ҚАРОР ВА ИЖРО

МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ

ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИ

Марказий Осиёда ягона бўлган олий таълим муассасаси сифатида эътироф этиладиган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясига мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти — Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси муассислик қилаётгани бежиз эмас, бунда инсон қадрини юксалтириш гоёси муҳассам. Хусусан, ҳар йили 20 нафардан кам бўлмаган миқдорда академияға кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган, "Ижтимоий ҳимоя ягона рестири"ға киритилган оилалар фарзандларининг бепул (муассис гранти асосида) ўқишға қабул қилиниши белгиланган.



— Ахборот-ресурс маркази Ўзбекистон Миллий кутубхонасига интергация қилинган ва талабалар 3 миллиондан ортиқ қўлланма, дарслик ҳамда ўқув адабиётларидадан фойдаланиш имкониға эға, — дейди бўлим бошлиғи сўхбат давомида. — Бу марказнинг китоб фондида бадий адабиёт намуналари, турли йўналишлардаги дарсликлар, ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳам жамланган. Улар ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 августдаги қарориға мувофиқ иш бошланган академияда бугунги кунда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаблар ҳамда стандартларға мувофиқ малакали кадрлар тайёрланмоқда, мавжуд муаммолар илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиляпти.

Муассасада 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб "HEMIS" — Олий таълим жараёнлари бошқариш ахборот тизими тўлиқ жорий этилди. Ушбу ахборот тизими "Маъмурий бошқарув", "Ўқув жараёни", "Илмий фаолият" ва "Молиявий бошқарув" модулларини ўз ичига олган ҳамда академия фаолиятини маълум тартиблар асосида бошқариш ва мувофиқлаштириб бориш имконини беради.

Академия билан яқиндан танишиш чоғида 320 ўринли янги талабалар тураржойида қўлланма, дарслик ҳамда ўқув адабиётларидадан фойдаланиш имкониға эға, — дейди бўлим бошлиғи сўхбат давомида. — Бу марказнинг китоб фондида бадий адабиёт намуналари, турли йўналишлардаги дарсликлар, ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳам жамланган. Улар ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган.

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида таълим, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш уйғунлиги асосида тайёрланаётган

Олийгоҳни хорижий давлатларда ҳам кенг тарғиб этиш, нуфузини ошириш, халқаро рейтинглардан ўрин олишиға эришиш муҳим, албатта. Шунинг билан ҳамда ёш ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилади.

Олийгоҳда талабаларнинг билим олиши билан бирға дунёқарабини бойитиш, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалға оширилмоқда. Жумладан, ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Маънавият кунин" сифатида белгиланган. Таниқли ёзувчи ва шоир, санъаткор ҳамда ёш ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилади.

Олийгоҳни хорижий давлатларда ҳам кенг тарғиб этиш, нуфузини ошириш, халқаро рейтинглардан ўрин олишиға эришиш муҳим, албатта. Шунинг билан ҳамда ёш ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилади.

Талабаларнинг ҳаётий қўнимларини ошириш, авлодлар ўртасидаги узвийликни таъминлаш мақсадида таълим-тарбия жараёниға катта таърибаға эға нурунийларни жалб этишға ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Академия талабалари ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган нурунийлар иштирокида "Уч авлод учрашуви", "Маҳаллада дув-дув гап" сингари маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам уюштирилади.

малакали кадрлар меҳнат муносабатлариға оид қонунчилик, хусусан, Бош қомусимизда белгиланган нормаларнинг ҳаётий рўйбени таъминлашға хизмат қилади.

Олийгоҳни хорижий давлатларда ҳам кенг тарғиб этиш, нуфузини ошириш, халқаро рейтинглардан ўрин олишиға эришиш муҳим, албатта. Шунинг билан ҳамда ёш ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилади.

Бу ерда спорт билан шугулланиш учун ҳам барча шароит мавжуд бўлиб, замонавий жиҳозланган ёпиқ спорт иншооти, иккита мини-футбол майдончаси, шахмат ва шашка бурчағи, стол тенниси мажмуаси бунёд этилган.

Фаолият билан танишиш мақсадида олийгоҳда бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун замон талабларига мос қулай шарт-шароитлар яратилганиға гувоҳ бўлдик.

Академиянинг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича бўлим бошлиғи Тошўлат Холиқов ҳамроҳлиғида ўқув аудиториялари, медиа ва ахборот-ресурс марказлари билан танишдик. Интерфол доскалар билан жиҳозланган ҳамда интернет тармоғиға уланган 33 та ўқув аудиторияси, 3 та маърузалар зали, 90 ўринға мўлжалланган 6 та компьютер хонаси, электрон кутубхона, очиқ ва ёпиқ спорт мажмуалари талабалар ихтиёрида.

Ушбу жамоат ташкилотлари талабалар орасида ўзини ўзи бошқариш таълим-тарбия мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттиқоқининг бошланғич ташкилоти ҳамда Талабалар қасаба уюшмаси қўмитаси фаолиятини ҳам йўлга қўйилган. Ушбу жамоат ташкилотлари талабалар орасида ўзини ўзи бошқариш таълим-тарбия мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттиқоқининг бошланғич ташкилоти ҳамда Талабалар қасаба уюшмаси қўмитаси фаолиятини ҳам йўлга қўйилган. Ушбу жамоат ташкилотлари талабалар орасида ўзини ўзи бошқариш таълим-тарбия мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттиқоқининг бошланғич ташкилоти ҳамда Талабалар қасаба уюшмаси қўмитаси фаолиятини ҳам йўлга қўйилган.

Олий ўқув юртимизда ўтган уч йил давомида соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришға қаратилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитишнинг инновацион шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасида тизимли ишлар амалға оширилди, — дейди академиянинг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Азимжон Мирзажонов. — Ўқув жараёнларини олиб бориш учун 45 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан, 1 нафар академик жалб қилинган. Кундузги ва сиртки бўлимларда 900 га яқин талабалар юриспруденция, психология, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, менежмент, ижтимоий иш, инсон ресурсларини бошқариш каби йўналишларда таҳсил олади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси мамлакатимиздаги нуфузли олий таълим муассасалари қаторидан муносиб ўрин эғаллаб борапти. Зеро, ушбу олийгоҳ, Президентимиз таъбири билан айтганда, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва меҳнат муносабатларини илмий тадқиқ қилиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятға эғадир.

Ўшбу жамоат ташкилотлари талабалар орасида ўзини ўзи бошқариш таълим-тарбия мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттиқоқининг бошланғич ташкилоти ҳамда Талабалар қасаба уюшмаси қўмитаси фаолиятини ҳам йўлга қўйилган. Ушбу жамоат ташкилотлари талабалар орасида ўзини ўзи бошқариш таълим-тарбия мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттиқоқининг бошланғич ташкилоти ҳамда Талабалар қасаба уюшмаси қўмитаси фаолиятини ҳам йўлга қўйилган.

Сунюдик МАМИРОВ
(«Халқ сўзи»).

ФИЖДУВОНДА КУТУБХОНА УЧУН БИНО ҚАЧОН ҚУРИЛАДИ?

Ғиждувон туманидаги "Дилкушо" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шухрат Хусенов бир юмуш юзасидан йўлнинг нариги бетида жойлашган ахборот-кутубхона марказига кирдию нафаси қайтиб қолди. Ташқарига чиқишға шовилди. Негаки, мослаштирилган бинода фаолият кўрсатаётган зиё маскани жуда дим, тоза ҳаво йўқлиғидан бу ерда юрак уйноғи бўлиб қолиш ҳеч гапмас.

Таассуф

Маҳалла раиси-ку туман ахборот-кутубхона марказига бир зумлик иш юзасидан кирганиди. Бу ерда ишлаётган ўндан зиёғад ходимларнинг, китоб ўқигани келган фойдаланувчиларнинг сабру тоқатига балли! Буларни ҳам қўйиб турайлик, китобларнинг аҳволини айтмаймизми? Ахир кутубхоначилар авария ҳолатида деб ҳисоблашадиган ва юрак ҳовучлаб чиқиб тушадиган иккинчи қавадат оз эмас, кўп эмас, 40 мингта китоб сақланмоқда.

Мабодо, жаҳон ва ўзбек адабиётининг аjoyиб намуналари жамланган бу китобларға забон битганида улар ўз бошларидан кечаётган аччиқ ва ҳасратли кечмиш ҳақида сўзлаб беришар, бу энг маҳзун ҳикоялардан бири бўларди...

Бу ҳақда алоҳида тўхталишимиз бежиз эмас. Китобларни сақлаш, асраш, улардан нафақат бугунги, балки келажақ авлодни ҳам баҳраманд этишнинг ўз тартиб-меъёрлари бор. Дейлик, улар қисоладагидек ёруғ хоналарда сақланиши керак. Хона ҳарорати 18 — 20 даража илик, намлик 55 фоизни ташкил

этиши мақсада мувофиқ. Бунда ҳаводаги намлик ва бошқа газлар миқдорини ўлчовчи гигрометрға таянилади. Акс ҳолда димчиқан, қоронғи ва зах хонада китоблар могорлайди. Афсуски, марказда гигрометр ускунасини кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайси. Айтмоқчи, бунга хожат ҳам йўқ. Наридан-бери мослаштирилган бинода, чироғи ёнмайдиган хоналарда, неча ўн йилдирки, сарғайиб адоий тамом бўлган жавонларда турган китобларнинг аҳволи бусиз ҳам беш қўлдек аён.

Сирасини айтганда, бир пайтлар кутубхона туппа-тузук биноға, мўъжазгина гулзор экин майдониға эға эди, — дея эслайди меҳнат фахрийиси Ражаб Авезов. — Аммо туманнинг ўша пайтдаги раҳбари ниманидир баҳона қилиб, кутубхонани кўчиртирди. Ваҳоланки, эскирган деб ҳисобланса, ўша жойдаги бино ўрнида кутубхона учун замонавий, кўрса ҳавас қилса арзиғулик иншоот қуриш мумкин эди!

Ҳа, маърифатпарвар бу инсон шу масалада туман раҳбарлариға бир неча бор учрашган ва ҳатто вилоят телевидениесида ташкил этилган тўғридан-тўғри мулоқотда туманнинг ўша пайтдаги ҳокимиға мурожаат ҳам қилган эди. Ушанда ҳоким "Бу масалаға йўқ, дея жавоб беришининг иложи йўқ. Биз ҳозир шу масала устида ишлаяпмиз. Шаҳар марказида кутубхона қуришни режалаштиряпмиз. Насиб қилса бу бўлади", деб нафақат Ражаб аканинг, балки ғиждувонлик минглаб китобсеварларнинг кўнглиға умид учқунини ёққанди. Аммо вақт кўрсатдики, бу авравини куруқ олиб қочиндан бўлак нарса эмас экан.

Дарвоқе, ўша кўрсатувда Бобур номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Ражаб аканинг Ғиждувонда маданият марказлари анқонинг уруғи бўлиб кетгани оид саволиға ҳам ҳоким жанобларини "Андагани бола яши" қабилида жавоб қайтарганиди.

Хуллас, ўшанда кутубхона "Дилкушо" маҳалла фуқаролар йиғини учун бошланадиган ва шу ҳудуддаги кексалар учун чойхона вазиғасини ўтаб турган, ҳашар йўли билан қурилган биноға кўчиришди. Оқибатда қариялар чойхонадан, маҳалла эса бошпадан ажралиб қолди. Маҳалла фуқаролар йиғини ўшандан буён ҳудуддаги 60-иқтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби биносида ижарада турибди.

Табийки, анча-мунча маблағ сарфлаб собиқ чойхонани кутубхонаға айлантиришди. Аммо бу билан у чин маънодаги кутубхона масканиға айлиб қолмади. Ахир ходимлар ўтирадиган, ҳам китоблар сақланаётган, ҳам ўқув зали вазиғасини ўтаётган, совиткичи йўқ, стол-стуллари "ёши"ни ўтаб бўлган хонани қандай қилиб ахборот-кутубхона маркази дейиш мумкин? 22 минг нафар фойдаланувчи бўлган, 200 мингта китоб фондиға эға маскан шундай бўлиши керакми?!

Кутубхона раҳбари Дилдора Мухамедова, марказ ходимлари Дилноз Сатторов ва Солиҳа Қодирова билан сўхбатлашганимизда улар туманнинг ҳозирги раҳбари зиё масканиға ўтган йили маҳаллий бюджет ҳисобидан 55 миллион сўмға адабиётлар олиб бергани, имкон қадар қўллаб-қувватлаётганини айтишди. Бу тақсинаға лойиқ, албатта. Лекин каттагина пул эвазига харид қилинган китобларни сақлаш, асраш учун кутубхонада оддий шароит ҳам бўлмаса, бу кўмақдан нима наф?! Бугун мамлакатимизда китоб ва китобхонликка катта эътибор берилаётган бир пайтда бундай "зиё маскани"ни аҳоли ўртасида китобхонликни оммалаштириш, хусусан, ёшларимизнинг мутолағаға иштиёқини юксалтиришда муҳим ўрин тутади, деб айта оламизми? Умуман, бунга Ғиждувон тумани мутасаддилари нима дейишаркин?!

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Бугун ва эртаға Тошкент вилоятининг Паркент туманида «Уzum сайли» халқаро фестивали бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 842. 12 771 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятта келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.

Газетанинг сўзқиб берилиши учун обунани расмийлаштириш таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термил ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишиға "Шарқ" наширёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.55 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6